

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 24 май, № 105 (8448)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий муассасалар ва давлат идораларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳолати бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 февралдаги қарори билан бу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича дастур қабул қилинган эди. Унга кўра жорий йилда ижтимоий соҳа ва давлат идораларида 220 мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатиш кўзда тутилган.

Ийгилишда мутасаддилар шу борадаги ишларнинг ижроси юзасидан ахборот берди.

Қайд этилишича, бугунги кунда 107 мегаватт қуёш панеллари ўрнатишга 4,8 миллиард долларлик, жами қуввати 4,8 гигаваттга тенг 11 та қуёш ва шамол станцияларини қуриш бўйича келишувга эришилди.

Ийгилишда мазкур келишувлар ижросини ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ў.А.

Тошкент шаҳрида қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш даражаси режага нисбатан 26 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борада ҳали имкониятлар кўпчилигини таъкидлаб, ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Жорий йилда 2 минг мегаватт қувватли қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, яқинда Ўзбекистон Президентининг Хитой Халқ Республикасига давлат таширифи доирасида 4,4 миллиард долларлик, жами қуввати 4,8 гигаваттга тенг 11 та қуёш ва шамол станцияларини қуриш бўйича келишувга эришилди.

Ийгилишда мазкур келишувлар ижросини ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

СИНГАПУР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Якуб 23 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фажрий қоровул саф тортиди.

Сингапур Президенти ва унинг турмуш ўртоғини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари З. Маҳқомова, ташқи ишлар вазири Б. Саидов ва Тошкент шаҳри ҳокими вазири фахрияти бажарувчи Ш. Умурзоқов кутиб олди.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон ва Сингапур делегацияси аъзолари "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойга гул қўйди.

Она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қаҳра-

мон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида — Мустақиллик монументи ҳақида Президент Ҳалима Якубга сўзлаб берилди. Ўз навбатида, олий мартабали меҳмон "Янги Ўзбекистон" боғи, худудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Шу ўринда энг юқори қисмида Ҳумо қуши тасвирланган мажмуа ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. У 2021 йил истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Унда мамлакатимизнинг қадим ва бой тарихи, бугунги кунини боғлиқ энг муҳим воқеалар акс этади. Буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари эса қалбларга гурур бағишлайди.

Шу ерда Сингапур Президенти Ўзбекистонда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар вакиллари билан ҳам учрашди.

Сингапур раҳбарининг таширифи дастурида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Саммит кун тартибидан конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, икки мамлакат етакчи компания ва банк институтлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига қумаклашиш, маданий-гуманитар алоқаларини кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Президент Ҳалима Якуб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, юртимиздаги диний конфессиялар раҳбарлари билан ҳам учрашди, ишбилармон доиралар бизнес форумининг очилишида ва қўшма таълим маркази фаолиятининг тақдирини иштирок этади.

Бундан ташқари, Сингапур Президенти Самарқанд шаҳрига ташириф буюриб, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу кўча марказининг бой маданий-тарихий ва цивилизациявий мероси билан танишади.

Таъкидлаш жоизки, Президент Ҳалима Якуб мамлакатимизга жавоб таширифи билан келмоқда. Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон етак-

Ў.А.

Ўзбекистон — Сингапур: ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Сингапур Президентининг уч кунлик таширифи жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Сингапур олий даражадаги мулоқотининг мантиқий давомидир. Давлатимиз раҳбарининг Сингапурга таширифи доирасида муҳтарам меҳмонлар ва таниқли арбобларга юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида ушбу мамлакат аънанасига кўра, Ўзбекистон Президенти шарафига Сингапурнинг миллий рамзи бўлган орхидея гулининг янги навига ном бериш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви якунлари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Ташриф арафасида ўтказилган Ўзбекистон — Сингапур бизнес форумининг амалий натижалари муваффақиятли

бўлди. Унинг доирасида қарийб 5 миллиард долларлик янги инвестиция, савдо ва молия битимлари тузилди.

Сингапур Республикаси 1992 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди. Мамлакатларимиз ўртаси-

да дипломатия муносабатлари 1997 йил апрель ойида ўрнатилган.

Ўтган 25 йилдан ортқ давр мобайнидаги икки томонлама ҳамкорлик давомида мамлакатлар 22 та — 8 та ҳукуматлараро, 8 та идоралараро ва бошқа йўналишлардаги 6 та ҳужжатдан иборат шартномавий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлади.

Икки давлатнинг халқаро платформаларда бир-бирини ўзаро тушуниши ва ўзаро қўллаб-қувватлаш даражаси юқори — минтақавий барқарорлик ва барқарор ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича ташаббусларни илгари суришда бир-бирини қўллаб-қувватлайди.

Хусусан, Сингапур БМТ Бош Ассамблеяси

доирасида Ўзбекистон ташаббускорлигида илгари сурилган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" (2018 йил), "Маърифат ва диний бағрикенглик" (2018 йил), "Марказий Осиёда барқарор туризм ва жадал ривожланиш" (2019 йил), "Оролбўйи — экологик инновациялар ва технологиялар худуди" (2021 йил) ҳамда 2022 йили қабул қилинган "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларининг ролини кучайтириш тўғрисида" резолюцияларни қўллаб-қувватлади.

➔

Нуктаи назар

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ БЕШ УСТУНИ

Глобал рақобат ва қарама-қаршиликлар кучайган бугунги таҳликали замонда муваффақиятли ривожланиш учун юзага келган вазиятни ҳамда замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янгилишни жараёнига тайёр бўлиш қобилияти талаб этилади. Ана шундай трансформацияни таъминлай олмаслик эса, ҳеч шубҳасиз, турғунлик ва инқирозга олиб келади. Фақат ислохотлар йўлидан дадил бориш орқалигина давлат тараққиётининг барча йўналишида барқарор ўсишга эришиш мумкин.

Трансформацияга эҳтиёж

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, 30 апрель куни юз берган муҳим воқеа — Ўзбекистон халқининг референдум орқали янгиланган Конституцияни қабул қилган тараққиёт сари қўйилган улкан қадам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсат-

ди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислохотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашни яна бир бор намоеён этди. Эъл-юртимизнинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодийтимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

➔



Конференция

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Кеча Тошкент шаҳрида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ҳамда Хотин-қизларнинг жамиятидаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда гендер тенглик ва муносиб меҳнат йўллари" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси директори Ольга Кулаева ҳамда халқаро ташкилотлар ва ҳорижий давлатларнинг 100 дан зиёд мутахассислари, экспертлари, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, мутасадди вазирилари ва идо-

ралар вакиллари қатнашди.

Тадбирда Сенат Раиси гендер сиёсати жамият ва давлат тараққиётининг таянч омилга айлангани ҳамда "гендер ва тараққиёт", "гендер мувозанати", "хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни" сингари тушунчалар давлатимиз дастурий ҳужжатлари ва бошқа меъёрларда ифода топаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

➔

Анжуман

Унда сенаторлар, "Inter Pares" глобал дастури вакиллари, Европа Иттифоқининг "Inter Pares" глобал дастури ўртасида ҳамкорлик бўйича лойиҳанинг расмий бошланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

➔

ПАРЛАМЕНТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа Иттифоқининг "Inter Pares" глобал дастури ўртасида ҳамкорлик бўйича лойиҳанинг расмий бошланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, "Inter Pares" глобал дастури вакиллари, Европа Иттифоқининг "Inter Pares" глобал дастури ўртасида ҳамкорлик бўйича лойиҳанинг расмий бошланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, "Inter Pares" глобал дастури вакиллари, Европа Иттифоқининг "Inter Pares" глобал дастури ўртасида ҳамкорлик бўйича лойиҳанинг расмий бошланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

➔

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА МАСАЛАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, судьяларнинг масъулиятини ошириш, крипто-активлар айланмиси, метрология хизматларини кўрсатиш ва бошқа долзарб соҳалар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Энди суд қарорлари бекор қилиниб қайтарилмайди

Халқ вакиллари "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қонуний қўшимча қилган суд қарорларини кассация тартибидан қўриб чиқиш воқолатини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ваколатига ўтказишга ҳамда юқори инстанция судлари томонидан суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан қўриш учун қўйи судга юбориш амалиятини тугатишга доир процессуал қоидаларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши.

Ушбу ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши, аввало, судьялар масъулиятини янада ошириш билан бирга ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўрилиши, суд қарорларини қайта қўришда вилоят судлари-

нинг ҳамда уларга тенглаштирилган судлар имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга олиб келади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Крипто-активлар айланмиси соҳасида қандай янгиликлар кутиляпти?

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига крипто-активлар айланмиси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқилди.

➔



СИНГАПУРНИНГ ИЛФОР ТАЖРИБАСИ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ФЙДАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Сингапур раҳбарининг 23-25 май кунлари бўладиган ташрифи дастурида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Бу Президент Халима Якубнинг мамлакатимизга жавоб ташрифидир. Шу йилнинг январь ойда Ўзбекистон етакчиси Сингапурга давлат ташрифи билан борган эди.

Бугунги кунда Сингапур Ўзбекистоннинг энг йирик инвесторларидан бири ҳисобланади. Жорий йил бошидан ўзаро товар айирбошлаш 6 баробар кўпайди. Транспорт, энергетика, кимё ва тўқимачилик саноати, шаҳарсозлик, таълим ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 3,8 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Парламентлараро алмашинувлар ва маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда.



Ўзбекистон — Сингапур: ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Сингапурнинг турли халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббуслари ва номзодларини қўллаб-қувватлади.

Сингапур — дунёда аҳолиси жон бошига ЯИМ ҳажми энг юқори, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлат. Бу мамлакат Осиё-Тинч океани минтақасининг иқтисодий маркази. Кўп йиллардан буён ушбу мамлакат электроника, кимё саноати, биотехнологиялар, банк соҳаси, логистика ва транспорт машинасозлиги каби муҳим тармоқлардаги муваффақиятларига таяниб, жаҳондаги энг йирик ва ривожланган иқтисодиётлардан бири бўлиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон соҳада иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан ҳамда инновация ҳамкорлигидан манфаатдор бўлгани боис бу йўналишларни икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида белгилаб олган.

Гарчи сўнгги йиллар давомида ўзаро савдода сезиларли даражадаги муваффақиятларга эришилган бўлса-да, икки томонлама товар айланмаси ҳажми икки мамлакат эга бўлган салоҳиятини ақс эттирмайди. Кейинги йиллар мавбодидида ўзаро товар айирбошлаш икки баробар кўпайди. 2022 йилда унинг ҳажми 140 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Жорий йилнинг январь — май ойларида ўзаро савдо ҳажми 130 миллион долларга тенг бўлди. Кўрсаткичларнинг юқори эмаслиги, биринчи навбатда, икки давлатнинг географик жиҳатдан узоқ масофада жойлашгани билан боғлиқдир, бироқ томонларнинг салоҳияти ва шериклики кенгайтиришдан манфаатдорлиги иқтисодий ҳамкорликнинг янги истиқболларини очмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Сингапур капитални иштирокидаги 90 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Сингапурнинг мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари 700 миллион доллардан ошди. "Индорама Корпорейшн" корпорацияси асосий сармоявий шерик бўлиб, у Ўзбекистонда 2010 йилдан буён 650 миллион доллар ҳажмидан 3 та инвестиция лойиҳасини амалга оширди. Улар орасида пахта калаваси ишлаб чиқариш бўйича "Indorama Kokand Textile", Қашқадарь ва Сирдарё вилоятларида калава ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Индорама Агро" тўқимачилик кластери, шунингдек, Қўқон суперфосфат заводини хусусийлаштириш мавжуд.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи чоғида қўлбас соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта захиралар мавжудлиги таъкидланди. Шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари Сингапур билан яқин истиқболга мўлжалланган ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим олти йўналишини белгилаб берди. Улар орасида инсон капитални ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, Сингапур томонини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш, илғор "яшил" технологиялар ва рақамли ечимларни қўллаш, шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларини тақомиллаштириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлиқни сақлаш

ҳамда радикализмга қарши курашиш жараёнларига жалб этиш бор.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ижобий ўсувчанликка эга эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан бири таълим соҳаси ҳисобланади. 2008 йилда Тошкентда ташкил этилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти (MDIS) "банк иши", "бизнес менежменти", "туризм" ва "бизнесдаги замонавий ИТ" йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. 2021 йилнинг октябрида Тошкентда Сингапурнинг иккинчи олий таълим муассасаси — Тошкент технологиялар, менежмент ва коммуникациялар институти ("TMC Institute") очилди. Ўтган йил октябр ойда эса мазкур институтининг иккинчи кампуси фойдаланишга топширилди. Бу ерда тахсил олаётган талабалар сони 12,5 баробар ошди, яъни 2021 йилдаги 400 нафардан 2022 йили 5 минг нафарга етди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим ва муваффақиятли намунаси сифатида 2021 йилда Сингапурнинг "SixClouds Pte. Ltd." компанияси томонидан амалга оширилган Қорақалпоғистондаги 300 та мактаб ва мамлакатимиз ҳудудларидаги 14 та Президент мактаблари учун инглиз тилини ўрганиш бўйича онлайн дастур ишга туширилганини қайд этиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сингапурнинг "Наньян" (Nanyang) халқаро политехника институти ўртасида Аҳоли саломатлигини бошқариш дастурини амалга ошириш бўйича яқин алоқалар йўлга қўйилган. Ўтган йил декабрь ойда мамлакатимизнинг 23 нафар тиббийёти ходими "Temasek Foundation" жамғармаси техник кўмагиде мазкур институтда малака ошириш курсларини ўтади.

Сингапур ҳамкорлик дастури ва Сингапур давлат хизмати коллежи воситасида Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. 2013 йилдан буён Ўзбекистонда вазирилик ва идораларининг 230 нафардан ортиқ вакиллари Сингапур ҳамкорлик дастурининг малака ошириш курсларида иштирок этди.

Сингапурнинг сайёҳлик соҳасидаги бой тажрибаси Ўзбекистон учун икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир муҳим нуқтаси ҳисобланади. Шунингдек, 2018 йилда Сингапур сайёҳлари учун 30 кунлик мuddатга визасиз режим жорий этилди, бу Сингапурдан сайёҳлар оқимининг кўпайишига ёрдам берди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг эришилган даражаси, шунингдек, олий даражадаги ўзаро ишончга асосланган мулоқотлар икки мамлакатнинг жуғрофий жиҳатдан узоқ масофада жойлашганига қарамастан турли соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва уларнинг қўлларини кенгайтиришга содиқдир, деб таъкидлаш учун барча асослар мавжуд. Шундай экан, Сингапур Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамкорликнинг янги босқичида ўзаро манфаатли ва ишончли шериклик алоқаларини ривожлантиришга кучли туртки беришига шубҳа йўқ.

«Дунё» АА.

Биз ва жаҳон

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён мустақам сиёсий ва иқтисодий шериклик ўрнатилган. Олий ва юқори даражадаги муносабатлар, фаол иқтисодий ҳамкорлик ва сармоявий фаолият, бой маданий-гуманитар ҳамкорлик томонлар ўртасидаги яқин алоқаларнинг муҳим таркибий қисмларига айланган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратаятир.

Сингапур — Осиё-Тинч океани минтақасининг иқтисодий маркази. Кўп йиллардан буён ушбу мамлакат электроника, кимё саноати, биотехнологиялар, банк соҳаси, логистика ва транспорт машинасозлиги каби муҳим тармоқлардаги муваффақиятларига таяниб, жаҳондаги энг йирик ва ривожланган иқтисодиётлардан бири бўлиб келмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Сингапурга ташрифи чоғида яқин истиқболдаги ҳамкорликнинг олтинта асосий йўналишини кўрсатиб ўтган эди.

Биринчиси — инсон капитални ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш. Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби иштирокида бошқарув, шаҳарсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, рақамли трансформация, инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида биргаликда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини амалга оширишга келишиб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат бошқаруви академияси негизида Сингапурнинг етакчи экспертларини жалб қилиш ҳолда давлат хизматчиларини интенсив раёта тайёрлаш дастури ишга туширилади.

Иккинчи йўналиш, Сингапурни Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилишга қаратилган. Шу маънода, музокараларда Сингапурнинг етакчи компаниялари илғор тажрибаси, замонавий технологиялари ва бошқарув усулларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг йирик корхоналарини хусусийлаштириш доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳожама қилинди. Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва таркибий ўзгартириш, кейинчалик уларни IPOга чиқариш ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш учун қўшма Инвестиция жамғармасини тузиш таклифи қилинди.

Учинчи устувор йўналиш сифатида илғор "яшил" технологиялар ва рақамли ечимларни жалб қилиш белгиланди. Сингапурнинг рақамлаштириш соҳасидаги ютуқларини жорий қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатнинг "яшил" ривожланиш бўйича инновациялари ва технологияларини қўллаш имкониятлари муҳожама қилинди.

Тўртинчи йўналиш — шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларни тақомиллаштириш. Шаҳарларни режалаштириш ва қуриш, қўламазорлаштириш, коммунал хўжалик соҳаларида ҳамкорлик бўйича тадбирлар келишиб олинди. Ўзбекистонда инфратузилма ва тармоқ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма Лойиҳалаштириш ва инжиринг марказини ташкил этиш бўйича келишув бу борадаги биринчи қадам бўлди.

Ҳамкорликнинг бешинчи йўналиши доирасида инвестициялар ва ўзаро сав-



дони кенгайтириш, Сингапурнинг етакчи компаниялари билан қўшма лойиҳаларни илғори суриш муҳимлиги қайд этилди. Устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Олтинчи йўналиш сифатида давлатимиз раҳбари жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлиқни асраш ва радикализмга қарши курашиш борасида тажриба алмашиш зарурлигини қайд этди.

Президентимизнинг ушбу мамлакатга ташрифи давомида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 8 та ҳужжат алмашилди. Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақ-

Бугун Ўзбекистон инновацион ривожланиш йўлидан одимлаётди. Сингапур бу борада катта тажрибага эга. Мамлакатимизда инновацияларни жорий этиш, рақамли ҳаётда "яшил" иқтисодиётни, ижтимоий соҳа ва туризм саноатини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу муносабат билан жаҳон рейтинглари етакчи ўринни эгаллаган, жумладан, иқтисодий эркинлик ва савҳат ҳавфсизлиги, бизнесни яратиш ва юришти қўлайлиги, биотехнологияни ривожлантириш бўйича ўн та етакчи давлатдан бири бўлган Сингапур билан ҳамкорлик истиқболлари сезиларли даражада кенгаймоқда. Бу йўналиш икки давлат учун ҳам янги имкониятлар очаятир билан аҳамиятли ҳисобланади.

лаш, кадрлар, шу жумладан, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди. Шунингдек, савдо-иқтисодий шериклик ҳамда икки мамлакат прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

Сўнгги йилларда Сингапур Ўзбекистонга салкам 700 миллион доллар сармоя киритган. Бу глобал микёсда катта миқдор эмас. Лекин энг муҳими, бу миқдор Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари тўғрисида изчил ўсишда давом этмоқда.

Бугунги кунда сингапурлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 1,73 миллиард долларлик 24 та инвестиция лойиҳасининг рўйхати шакллантирилди.

Савдо-иқтисодий соҳада сезиларли натижаларга эришилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш икки баробар ошди. Ўзбекистонда Сингапур капитални иштирокидаги корхоналар сони 4 қарра кўпайди.

Бугун Ўзбекистон инновацион ривожланиш йўлидан одимлаётди. Сингапур бу борада катта тажрибага эга. Мамлакатимизда инновацияларни жорий этиш, рақамли ҳаётда "яшил" иқтисодиётни, ижтимоий соҳа ва туризм са-

ноатини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу муносабат билан жаҳон рейтинглари етакчи ўринни эгаллаган, жумладан, иқтисодий эркинлик ва савҳат ҳавфсизлиги, бизнесни яратиш ва юришти қўлайлиги, биотехнологияни ривожлантириш бўйича ўн та етакчи давлатдан бири бўлган Сингапур билан ҳамкорлик истиқболлари сезиларли даражада кенгаймоқда. Бу йўналиш икки давлат учун ҳам янги имкониятлар очаятир билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шу ўринда "Осиё йўлбарси" номи билан, кучли иқтисодий тараққиётга эришган Сингапур тажрибасига назар ташласак. XX асрнинг ўрталарига қадар Англия мустанлаккаси, 1963 йилда Малайзия таркибига кирган Сингапур 1965 йил августда мустанқликка эришди. 63 та оролчалардан иборат мамлакат табиий ресурслари йўқ, ҳатто ичимлик суви ҳам Малайзиядан олиб келинган қашшоқ давлат сифатида танилган.

Бугун ушбу давлат ривожланган мамлакатлар рўйхатидан жой олишга улгурди. Энди у ўзининг йирик банклари, осмонўпар биноларига, чиройли йўллари, энг яхши таълим ва ривожланган соғлиқни сақлаш тизимига эга. Мамлакатда биргина ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши 60 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Сингапур Малайзия таркибидан ажралиб чиққан пайтда аҳолининг ярми

Охириги йилларда энг кўп эътибор Сингапур иқтисодиётининг 7 бақувват устунига қаратилди. Булар — молия, транспорт хизматлари, логистика, шаҳарсозлик ечимлари, соғлиқни сақлаш, юксак технологиялар, рақамли иқтисодиёт. Сингапурни мана шундай юксакликка олиб чиқишда, қисқа вақт ичиде жаҳоннинг иқтисоди қиқувват, коррупциядан холи, бугун ҳам шитоб билан ривожланаётган давлатга айланган, барча дунёвий рейтингларда биринчилиқни сақлаб келаётган ушбу мамлакатга узоқ йиллар бошчилик қилган машҳур давлат арбоби Ли Куан Юнинг номи тақдирини катта ҳисса қўшган.

Ли Куан Ю ҳокимият тепасида келгунча қадар мамлакатда коррупция кенг тарқалган, барча соҳада чуқур илҳизм отган эди. Британияликлар ўз ҳукмронликларидан фойдаланиб, маҳаллий раҳбарлар билан ҳокимиятни бўлишиб олган, айниқса, ўтмиш даврда уларга катта ваколат бериб қўйишган эди. Бу келишув порахўрликни авж олдириди, соғва олиш, кейинчалик пул билан "миннатдорлик" билдириш ялли одат тусига кирди. Бунга қатъий чек қўйишга қарор қилинди. Қонун устуворлигини афзал қўриш, жамятда ҳаммаининг қонун олдида тенглиги принципини тарғий қилиш ва унга амал қилиш Сингапурнинг илғор мамлакатга айлантирди.

Дунё ривожининг бугунги шиддати шундайки, тадбиркорлик, ишбилармонлик кенг йўл очмай, инновацион гоғлар ва технологиялардан унумли фойдаланмай туриб, қўзланган юксак марраларга етиш қийин. Шу боис ҳам мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, таълим-тарбия асосларини янгиллаш, яхши қўшчилик муносабатларини йўлга қўйиш, хоржининг илғор тажрибалигини ўрганиш кейинги олти йил ичиде давлатимиз сиёсатининг, ай-тиш мумкинчи, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги жуғрофий масофа узоқ бўлишига қарамастан мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, Президент Халима Якубнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат халқлари тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамда ишончли шериклик муносабатлари раванқига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Мухиддин КАЛОНОВ, ДИУ ҳузурдаги «Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази директори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Анжуман иштирокчилари томонидан қайд этилганидек, 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни тизимли, муайян мақсадга йўналтирган ҳолда амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қонунчиликни халқаро стандартлар асосида тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда соҳага оид 40 дан зиёд қонунчилик ва муҳим концептуал ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар доирасида хотин-

қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилгани, аёлларнинг давлат ва жамят бошқарувидаги ўрни мустақамлангани, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шароит яратилгани, бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шариоити яратиш ҳамда аёлларнинг иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, турли таълим ва зўравонликлардан ҳимоялаш бўйича муҳим чоралар қўрилгани иштирокчилар томонидан алоҳида айтиб ўтилди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида банд бўлган аҳоли ўртасида хотин-қизлар улуши 77 фо-

изни, иқтисодиёт ва саноат соҳасида 46 фоизни ташкил этмоқда, 2 минг нафарга яқин хотин-қизлар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Хотин-қизларнинг таълим олишлари учун имкониятларнинг кенгайтирилиши натижасида олий таълим муассасаларида таълим олаётган хотин-қизлар сони 6 баробар кўпайди, хусусан, бакалавр йўналишида ўқийётган хотин-қизлар улуши 38 фоиздан 49 фоизга, магистратура босқичида ўқийётганлар эса 37 фоиздан 50 фоизга ортгани қайд этилди.

Шунингдек, халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизда меҳнат муносабатлари тизими тубдан ислоҳ қилинганлиги ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, муносиб меҳнат принциплари доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаятигани юқори баҳоланди.

Бу борада ХМТ билан ҳамкорликда қабул қилинган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган дастур, меҳнат соҳаси ва ишлаб чиқариш, техник йўналишлардаги халқаро стандартларни мамлакат иқтисодиётига кенг татбиқ этиш бўйича

қўрилаятиган чоралар муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбирда Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси директори О. Кулаева, қатор халқаро ташкилотлар мутахассислари ва хоржий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари маъруза билан иштирок этди.

Тадбир якунлари бўйича халқаро конференция иштирокчиларининг гендер тенгликни таъминлаш, муносиб меҳнат принципларини кенг татбиқ этиш бўйича тавсиялари ишлаб чиқилди.

Шу асосида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, таълим-тарбия асосларини янгиллаш, яхши қўшчилик муносабатларини йўлга қўйиш, хоржининг илғор тажрибалигини ўрганиш кейинги олти йил ичиде давлатимиз сиёсатининг, ай-тиш мумкинчи, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгиланди.

«Халқ сўзи».

УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА МАСАЛАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Ушбу қонун лойиҳаси билан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги этиб белгиланаётди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши крипто-активлар айланмаси соҳасини янада ривожлантиришга ҳамда мазкур соҳада лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўттиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Метрология хизматлари кўрсатиш бозорига соғлом рақобат муҳити шаклланади

“Улчаш восталари қўйсладан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва мазкур соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун эг қулай шароит ва рағбатлар яратиш зарурати “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш мақсадида давлат метрология назоратини ташкил этиш ва соҳада хизматларни кўрсатиш функциялари белгилянапти.

Депутатларнинг таъкидлашича, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ваколатидаги метрология хизматларини кўрсатиш ваколати Ўзбекистон миллий метрология институтига берилаётгани натижа-сида давлат метрология назорати ва метрология хизматлари кўрсатишда вужудга келадиган манфаатлар тўқнашуви бартараф этилади.

Мазкур ҳужжат билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмай-диган юридик шахслар (хусусий сектор)га ўлчаш восталарини қўйслад хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ҳам бериляпти, бу ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг фаолият соҳасини кенгайтиришга, метрология хизматларини кўрсатиш бозорига соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Узоқ давом этган савол-жавоблар, баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Маблаглар сарфланиши юзасидан маълумотлар очиклиги таъминланиши керак

Мажлисда “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика

иқро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида натижадорликка йўналтирилган икчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, республика иқро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг 59 та қонуни ва 6 та кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши иқро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги ва масъулиятини кўчатириш, уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан белги-ланган мақсадли кўрсаткичларга эришил-ши ҳамда маблагларнинг сарфланиши юзасидан барча маълумотларнинг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди. Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ноаниқликларни бартараф этиш зарурати

Мажлисда “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан еттига кодекс ва саккизта қонунда фойдаланилган турли тушунча ва атама-ларни “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонунда қўлланилган ягона шаклга мос-лаштириш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ичимлик суви таъминоти ва оқова сув-ларни чиқариб юбориш соҳасига оид нор-маларни қўллашдаги ноаниқликларни бар-тараф этишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳасини янада та-комиллаштириш бўйича бир қатор тақ-лиф ва тавсиялар билдирилиб, концеп-туал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

2026 йил якунига қадар 993,4 км. узунликдаги автомобиль йўллари тўлиқ фойдаланишга топширилади

Халқ вакилларининг сайлов округла-ридаги учрашувлари давомида фуқаро-лардан жойларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, хусусан, автомобиль йўллари-

ни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида кўплаб муносабатлар келиб тушмоқда.

Шу боис парламент қўйи палатаси-нинг Саноат, қурилиш ва савдо масала-лари қўмитаси томонидан “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунининг иқро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрга-нилди. Ўрганиш натижалари автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, ре-конструкция қилиш, таъмирлаш ва сақ-лаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳали ечили-ши лозим бўлган тизимли масалалар мавжудлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, қўйи палатанинг шу йил 15 март куни ўтказилган мажли-сида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И. Маҳкамовга “Автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, ре-конструкция қилиш, таъмирлаш ва сақ-лаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисда депутатлар ушбу парла-мент сўровига транспорт вазирининг жавоби-ни аниқлашга кўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда келти-рилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари тар-моғининг узунлиги ўтказилган хатлов на-тижаларига кўра, 209 496 км.ни ташкил этмоқда.

2017 — 2022 йиллар давомида эса республика ва маҳаллий бюджетлар маб-лаглари ҳисобидан жами 80531 км. ав-томобиль йўллари қуриш, реконструк-ция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, 1265 донa кўприк ҳамда йўлўтказгичлар-ни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро транспорт коридорлари ҳисобланган халқаро аҳамиятдаги кўплаб автомобиль йўллари ҳам реконструкция қилинди. 2023 — 2027 йиллар давомида эса рес-публика бюджети маблаглари ҳисобидан жами 92183 км. автомобиль йўллари, 1532 тадан ортқ кўприклар ва йўлўтказ-гичларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан бугунги кунда автомобиль йўллари тизимини яхшилаш бўйича халқаро молия институтларининг 834,5 млн. долларлик 5 та лойиҳа амал-га оширилмоқда. Бу орқали 2026 йил яку-нига қадар республикада 993,4 км. узун-ликдаги, жумладан, 754 км. цемент-бетон қопламали ва 239 км. асфальт-бетон қопламали жаҳон стандартларига жавоб берадиган автомобиль йўллари тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, 2023 — 2027 йиллар да-вомида халқаро молия институтлари маб-лаглари ҳисобидан 920,9 млн. доллар-лик 5 та лойиҳа амалга оширилган ҳолда, 177 км. узунликдаги магистраль ва 1947 км. узунликдаги маҳаллий аҳамият-га эга йўллар таъмирланиб, фойдала-нишга топширилиши режалаштирилган.

Мажлисда депутатлар парламент сўро-вига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атраофича маълумотлар тақдим



этилганини эътиборга олиб, ушбу парла-мент сўрови юзасидан тайёрланган Қонунчилик палатасининг қарорига бир қатор тақлифлар ҳам берди.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда кун тартибидagi масала тегишли қўми-танинг доимий назоратида бўлиши ало-ҳида қайд этилиб, парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Мактабларнинг моддий-техника таъминоти талабга жавоб берадими?

Жорий йилнинг 15 март куни Ўзбе-кистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х. Умаровага “Мактабларда қўшимча ўқувчи ўрнини яратиш ҳамда мактабларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бо-расида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Қонун-чилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисда ушбу парламент сўровига юборилган жавоб атраофича муҳокама қилинди.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилганидек, бугунги кунда юр-ти-мизда умумий ўрта таълим мактабда 6,3 млн. нафар ўқувчига 509 мингдан ортқ ўқитувчилар таълим бериб келмоқда. Мавжуд мактаблар қуввати 5,2 млн. ўқувчи ўрнини ташкил этади.

Шунингдек, 2022 йилда маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблаглари ҳисо-бидан 70 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Умумтаълим мактабларини 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш мақса-дида 1 300 дан ортқ объектларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оши-рилиб, уларнинг иситиш тизимлари, иситиш қозонлари, биоиналорнинг том қисми ва эшик-деразалари таъмирлан-ган бўлса, айримлари янгисига ал-маштирилди.

Халқ таълими муассасаларида электр энергия сарфини камайтириш мақсади-да 500 дан ортқ мактабларга қайта тикланувчи (қуёш электр панеллари ва

қуёш сув иситиш қурилмалари) энергия манбалари жорий қилинди. Ичимлик суви ташиб келтириладиган 166 та халқ таълими муассасаси маҳаллий ҳоким-ликлар томонидан узлуксиз тоза ичим-лик суви билан таъминланди.

Мажлисда таъкидланганидек, 2022 йил-да 800 та интерактив доска ва 442 та комплект робототехника жиҳозлари юборилга етказилди.

Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, ма-софовий таълим имкониятларини кен-гайтириш мақсадида ишлаб чиқилган “Масофовий таълим платформаси ах-борот тизими (maktab.uz)”га joyлаш-тирилган мактаб ўқув дастурига тегиш-ли видео контент 14080 тага, тақдимот 6372 тага ва қўшимча видео ресурслар 708 тага етказилди. Фойдаланишда қулайлик яратиш учун тизимнинг мобил иловалари ҳам ишга туширилди. 1-4 синф ўқувчилари учун 120 та 3D анимацион шаклдаги мультиплика-цион контентлар ишлаб чиқилди.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлис-да депутатлар парламент сўровига жа-вобда кўтарилган масалалар бўйича атраофича маълумотлар тақдим қилинган-ини эътироф этди. Кун тартибидagi масала тегишли қўмитанинг доимий на-зоратида бўлиши қайд этилиб, парла-мент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Ҳисоб палатасининг 2022 йилдаги фаолияти муҳокамаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг навбатдаги мажлисида депутат-лар Ҳисоб палатасининг 2022 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси то-монидан 2022 йилда ташқи аудит тад-бирларини халқаро стандартлар асоси-да олиб бориш ва аудитнинг замонавий усулларини қўллаш натижасида 251 та тақоррий ва асосий текширишларнинг олди олинган, шунингдек, 2022 йилда на-зорат тадбирларининг 2021 йилдаги аниқсатган 48 фоизга камайтиришга эришилган.

Шу билан бирга, Ҳисоб палатаси то-

монидан 2022 йилда 74 та назорат тад-бири, ҳудудлар ва соҳалар бўйича 37 та тематик ва таҳлилий ўрганишлар, шу-нингдек, мамлакатдаги ижтимоий-иқти-содий ҳолат ҳамда Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлашга қаратил-ган муҳим чора-тадбирлар амалга оши-рилган.

Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини Ўзбе-кистон Республикасининг “Ҳисоб пала-таси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда мамла-катимиз Президентининг Фармон, қарор ва топшириқларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширган. Давлат бюджети параметрларининг шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларига мубодиланишни ҳар то-монлама таҳлил қилишга, қабул қили-наётган давлат ва ҳудудий дастурларни молиялаштириш манбалари билан таъ-минланганининг аудитини рўёбга чиқар-ишга қаратган.

Қайд этилганидек, назорат тадбирла-ри ва таҳлил натижасида ортқича хара-жатларнинг олди олинган, бюджет хара-жатлари мақбуллаштирилиб, бошқа долзарб масалаларни молиялаштириш учун қайта йўналтирилган. Давлат бюд-жетида қўшимча даромад манбалари аниқлиги, ундирилиши таъминланган.

Мажлисда депутатлар Ҳисоб палата-сининг бюджет даромадлари тўлиқлиги-ни таъминлаш, мавжуд имконият ва за-хиралар эвазига қўшимча манбаларни ишга солиш, ҳудудларда маҳаллий бюд-жет маблагларини тўлиқ шакллантириш ва самарали ишлатиш борасида аниқ-ланган муаммолар ҳамда уларнинг ечи-ми бўйича ўз муносабатларини билдир-дилар.

Шунингдек, депутатлар Ҳисоб пала-таси келгусида давлат ва жамоат эҳтиёж-лари учун олинган айрим ер участкалари ва кўчмас мулклар бўйича тўланмай қол-ган компенсация тўловлари ҳамда қар-дорликларни бартараф этиш бўйича қўри-лаётган чора-тадбирларни назоратга олиш, коррупцияга қарши курашиш бўйи-ча ички аудит назорат тизимини йўлга қўйишга доир айрим ички идоравий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилишига эътибор қаратиши муҳимлигини таъкидладилар.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик тизимида фаолият юритувчи ходимларнинг айрим тоифа-лари учун берилган имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг доимий назоратга олиниши, шунингдек, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашга Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маб-лаглар ҳисобига ипотека кредитлари бе-рилишида адалат ва шафқатли тамой-иллари устуворлигига эришиш, аввало, уларнинг эҳтиёжманд оилаларга тақсим-ланаётганини доимий назоратга олиш бўйича қўшимча чоралар кўриш лозим-лиги айтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2022 йилдаги фао-лияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлан-ди ва тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Сессия давомида Литва, Франция, Венгрия, Чехия ва Кипр сингари давлатларнинг молиявий назорат борасидаги тажрибаси ўрганилди. Шу билан бирга, сенаторлар халқаро ҳамкорлар билан электрон парламентага ўтишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари юзасидан фикр алмашдилар. “Электрон парламент” ва рақамли трансформация режалари муҳокама қилинди.

Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Бокиев Ўзбекистон Республикаси қонунчилик амалиётида “Электрон парламент” дастурий комплексини янада такомиллаштириш бўйича қатор амалий тақлифларни илгари сурди. Айни чоғда парламентада очик электрон ва архив ҳужжатлари базасини шакллантириш мақсадида Европанинг илгор давлатлари (Франция, Латвия, Кипр, Венгрия) тажрибасини ўрганиш ҳамда улар парламентларнинг фуқаролар муносабатлари билан ишлаш тизимини қузатиш ва фуқароларнинг қонунчиликдаги роли билан яқиндан танишиш зарурлигига урғу қаратди.

Халқаро ҳамкорлар Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси иш механизми билан ҳам қизиқди.

Ёшлар билан ишлаш масалаларига бағишланган сессия муҳокамасида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Дилором Ташмухамедова мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш, ёшларга бўлган эътибор барча даражадаги давлат органларида устувор йўналиш ҳисобланганини таъкидлаб ўтди. Хусусан, ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 50 дан ортқ норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Форум иштирокчилари Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентининг мақсад ва вазифалари билан ҳам таништирилди.

Анжуман якунида парламент салоҳиятини янада ошириш ва ролини кучайтириш ҳамда тажриба алмашиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ ВА ТУРИЗМ УЙҒУНЛИГИ

Институтимиз чет тилларига ихтисослаштирилганлиги боис хорижий ҳамкасбларимиз билан мустаҳкам алоқалар ўрнатганмиз. Ҳар гал улар Андижон вилоятига ташриф буюрар экан, ҳудуднинг мафтункор манзилларини кўрсатишга ошқамиз. Зеро, таълим соҳасида эришаётган ютуқларимиз билан бир қаторда сайёҳлар учун яратилаётган шароитлар ҳам хорижликлар эътиборидадир. Айниқса, Хўжаобод туманидаги “Имом ота”, Булқобчи туманидаги “Ширмонбулок”, Қўрғонтепа туманидаги “Биби сешанба”, Хонобод шаҳридаги “Фозилмон ота”, Жалақудқ туманидаги “Қилч мазор” каби масканлар ҳатто юртимиздан ташқарида ҳам маълум. Шу боис ҳозирги кунда ушбу ҳудудларда таъмирлаш, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мақсад — сайёҳлик салоҳиятини ошириш.

Мулоҳаза

Савол туғилиши мумкин: Анди-жон давлат чет тиллари институ-тининг сайёҳлик йўналишига қан-дай алоқаси бор? Аслини олган-да, ҳар бир таълим муассасаси маҳаллий шароитларга мослашган ва ихтисослашган бўлиши мақса-да мувофиқ. Институтимизда бе-восита хорижий тиллар ўлашти-рилган экан, нега энди бундан чет эллик сайёҳларни жалб этишда фойдаланмаслик керак? Зеро, шу йилнинг 25 март куни давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мам-лакатимизга ташриф буюрувчи ту-ристарлар сонини ошириш, вилоят-ларнинг сайёҳлик салоҳиятини ях-шилашга аҳамият қаратилдики, бундан институтимиз маъмурияти ҳам ўзига тегишли хулосани чи-қарди.

Ҳап шундаки, институтимизда гид ҳамроҳлиги, мамлакатлараро мулоқот, таржимашунослик каби йўналишлар мавжуд бўлиб, уларда таҳсил олаётган талабаларнинг амалий тажрибасини шаклланти-ришда туризм йўналиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳар бир талаба вилоятдаги мавжуд сай-ёҳлик объектларига бириктирилган бўлиб, улар ушбу манзилларни



монлама ўқув ҳамда илмий йўна-лишлар бўйича ҳамкорлик шарт-номаси имзоланган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, таълим жараёни бевосита сайёҳлик йўналишига уйғунлаштирилган. Бунинг нати-жасида вилоятдаги туристик объектлар тарғиботи шаклланти-рилибгина қолмасдан қардошлар-нинг ташрифини ташкиллашти-ришга ҳам ҳисса қўшмоқдамиз. Вилоятдаги “Уч булок”, “Қутайба ибн Муслим” зиёратгоҳлари, Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг уй-музейи шу тарихда қўшни давлат зиёратчилари билан гавҳумлашмоқда.

Сайёҳлик йўналишини янада ри-вожлантиришда халқаро тадбирлар-нинг ташкил қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун “Чет тилларини қўйслад ўрганиш”, “Менинг инновацион лойиҳам”, “Чет тилларини ўрганиш ва туризмни ри-вожлантиришнинг муҳим вазифа-лари” каби тадбирларимизда қўшни давлатлар вакиллари ҳам фаол қат-нашди. Хонобод шаҳрида бўлиб ўтган тадбирлар давомида иштирок-чилар ҳудуднинг туризм йўналиши-даги имкониятлари ва мавжуд шароитларга гувоҳ бўлди.

Институтимиз вакиллари шу йил 12 апрель куни Ҳиндистонда бўлиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бу олийгоҳда таълимни янги йўналишлар билан бойитиб-

гина қолмай вилоятимизнинг сай-ёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш-да янги имконият ашиқларини очди. Зеро, учрашувлар давомида Ҳиндистон вакиллари билан 27 та йўналишдан иборат “Йўл харита-си” ишлаб чиқилди, 13 та мемо-рандум имзоланди. Уларга муво-фиқ, олий таълимдан ташқари гастрономик, меҳмонхона, зиёрат, дам олиш, спорт ва маданият йўналишларида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Ҳиндистоннинг “Bhagwant” уни-верситети ректори Вирендра Кумар Шарма, Ҳиндистон ташқи ишлар ва маданият ишлари вазири Малубай Хардушбай Бера, “Euroasiatravelsindia” туристик корхонаси раҳбари Балдев Сингх билан мулоқот давомида Анди-жон вилоятининг сайёҳлик объектлари, имкониятлари ҳақида сўз борди. Бундан ташқари, яна ўнлаб институтлар билан таълим бериш, тажриба алмашиш бўйи-ча ўзаро келишувларга эришилди.

Умуман, Андижон вилоятининг сайёҳлик имкониятларини ҳали кашф этилмаган оролга қўйслад мумкин. Гарчи кўзга яққол таш-ланса-да, ҳудуднинг сайёҳлар учун ҳам маълум бўлмаган тарихий қадимжолари, бебаҳо осориатқалар, ўзига хос урф-одат ва аъна-аналари бисёр. Бугунги кунда ин-ститутимиз томонидан вилоятимиз туризм салоҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таълим си-фатини оширибгина қолмай, юр-тимизда сайёҳликни янада ривож-лантиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Дилшодбек РУСТАМОВ, Андижон давлат чет тиллари институти ректори.

Реклама

O'zbekiston Badiiy akademigasi tasarrufidagi Respublika ixtisoslashtirilgan san'at maktab-internati

2023/2024 o'quv yiliga 2016 yilda tug'ilgan iqtidorli o'g'il va qiz bolalarni tasviriy san'at va musiqa yo'nalishlari bo'yicha 1-sinfga rus va o'zbek tillarida o'qish hamda 5-sinfga o'zbek tilida o'qish uchun tanlov asosida o'qishga qabul qiladi.

Ariza va hujjatlar 2023-yil 1-iyundan 30-iyungacha maktab-internati binosida qabul qilinadi. Qabul imtihonlari 2023-yil 1-iyuldan boshlanadi.

Manzilimiz: 100152, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-daha, 1-«A» uy.

Avtobuslar: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182, 141, 135.

Marshrutka: 182.

Telefonlar: 71-274-92-21, 71-274-96-45

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ БЕШ УСТУНИ

Янги Конституция билан Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, деб эълон қилинди. Асосий Қонунимизнинг биринчи бобида мустақамлаб кўйилган ана шу бешта устун энг муҳим йўналишларни қамраб олади ва ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришиш имконини беради.

Суверен давлат сифатида бошқа мамлакат ёки ташкилотлардан тўлиқ сиёсий ва иқтисодий мустақиллик мустақамланади ва бу ташқи таъсирларга йўл қўймайди. Демократик давлат ҳалқ ҳокимиятини эълон қилади, фуқароларга эркин сайловлар ҳуқуқини, давлат ҳаётида фаол иштирок этиш ва қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиш имкониятларини кафолатлайди. Ҳуқуқий давлатда бутун ҳокимият барча учун мажбурий бўлган ва барчага бир хил қўлланивчи қонунларга бўйсунди. Ижтимоий давлат тамойилларига кўра, фуқаролар ижтимоий ҳимоя таъминланади, ҳокимият эса ижтимоий муаммоларни ҳал этади. Дунёвий давлатда дин давлатдан ажратилган, эътиқод ва виждон эркинлиги таъминланади, дискриминациядан ҳимояланиш кафолатланади.

Овоз бериш натижаларига эътибор берилса, фуқароларимиз тараққиётнинг навбатдаги янги босқичи учун мамлакат ҳуқуқий тизимини трансформация қилиш заруратини тўлиқ англаб етганликларини кўриш мумкин. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат бошқаруви тизими, ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тамойили каби йўналишларни белгилаб берувчи Конституция бугунги кунга келиб ўзгартирилиши керак бўлди. Негаки, у янги даврдаги воқеалик ва жамият эҳтиёжларига мос бўлиши лозим эди. Машҳур америкалик сиёсий арбоб Томас Жефферсон қачондир айтганидек, “Ҳар бир авлод ўз Конституциясини ёзиши керак”. Ана шу сўзлар Конституция ва ҳуқуқий тизимни вақтида янгиллаб туриш бўйича далил бўла олади. Ҳар бир авлод ўзининг муаммоларига дуч келади ва уларни ҳал этишига тўғри келади. Давлат ҳам шундай — замонавий қақриқларга жавоб бериши керак.

Асосий Қонунни ва ҳуқуқий тизимни муттасил янгиллаб туриш мамлакат тараққиётининг муҳим шартидир. Тарихда ҳуқуқий тизимда ўзгаришларни амалга оширмаслик охири-оқибат таназзулга олиб келганига мисоллар кўп. Масалан, Франциядаги 1789 йил инқилоби маълум маънода жамиятда ислохотлар амалга оширилмаганлиги ва эскирган Конституция сабабли рўй берган.

Ва албатта, Конституцияни ўзгартириш ижобий натижаларга олиб келгани бўйича ҳам қўллаб-қувватлаш имконини келтириш мумкин. Хусусан, ХХ аср бошида АҚШ ўз Конституциясини иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва маданият бойлиги жараёнларига мослаштирган, бу эса мамлакат ривожини янада юқори даражага олиб чиққан. Яна бир мисол — Япония. Иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган, у ўз Конституциясини ва ижтимоий тизимини ўзгартириш бўйича стратегик қадамлар ташлаган.

Асосий Қонунни ва ҳуқуқий тизимини янгиллаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-

кинликларини кафолатлаш учун ҳам зарур. Янгиликлар шундай ишлаб чиқиши керакки, токи улар жамиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олсин ва барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилсин. Россия оқил судлов академиясининг конституциявий ва муниципал ҳуқуқ кафедраси профессори Александр Ульяновнинг фикрича, мамлакатнинг меъриий базаси жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларга мос бўлиши лозим.

Бошқача айтганда, Конституция ва ҳуқуқий тизимни доимий трансформация қилиш давлат тараққиётига хизмат қилади. Ахир куч ва яратувчанлик қудрати айнан ўзгаришларга мойиллик ва мослашувчанликда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юқлайди, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундайди, ислохотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Барқарорликнинг ҳал қилувчи аҳамияти

Бугунги кунда бутун дунё дуч келаятган фаол глобаллашув шароитида мамлакатларда ислохотларнинг рўёбга чиқарилиши нафақат уларнинг ривожланиши, балки халқаро майдонда рақобатбардош бўлиши учун ҳам муқаррар шартдир. Ислохотлар муваффақиятли бўлиши ва жиддий ижтимоий ларзани келтириб чиқармаслиги учун уларни амалга оширишда мамлакат аъёнлари ва қадимий маданиятга таяниши лозим. Негаки, улар асрлар давомида шакланган бўлиб, халқнинг бойлиги ҳисобланади. Бироқ ислохот ўтказиш кўпгина урф-одат ва аъёнларнинг эсдан чиқариш ёки йўқотишга олиб келиши мумкин, бу эса — миллининг ўзлиги, ўзига хослиги йўқолишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам Ўзбекистондаги янгиланишлар жараёнида халқимизнинг ўзига хослигини белгиловчи маданият элементларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда бўлса: Қадим тарихимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-боболаримизга хос эзгу қадриятларни рўёбга чиқариш, яъни инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамларнинг билан бамаънафат иш кўриш биз учун чинакам демократия намунасиридир.

Албатта, ҳар қайси мамлакатда ўзгаришларга тайёр бўлмаган инсонлар бор. Лекин олдинги авлодлар тажрибасини ҳисобга олиб ва унга таяниб ўтказилаётган ислохотлар жамиятда стресс ҳолатига олиб келмайди, ўзгаришлар йўлини муваффақият билан босиб ўтиш имконини беради.

“Eurocontinent” нашрида чоп этилган мақолада келтирилишича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар модели мамлакатни модернизация қилишга қаратилган, лекин бу жараёнда унинг индизлари, бой маданий ва тамаддуний мероси сақланиб қолмоқда. “Ўзбекистон ўз ислохотлари учун

илҳомни ҳам Фарбдаги, ҳам Осиедаги мамлакатларда амалга оширилаётган ўзгаришлардан олмоқда. Лекин шунга қарамай Фарб андозаларини шундайча “импорт” қилиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас”, деб ёзди Кўхна қитъа оммавий ахборот воситаси.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг референдумда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси кўпба ҳорижий экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Асосий Қонуннинг матнини синчиқлаб ўрганиб чиқишга, улар ушбу воқеани кўллаб-қувватлашда ҳамда Конституциянинг ўзгартирилиши демократик институтлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларини янада мустақамлашда, мамлакат иқтисодий ривожига хизмат қилади, дея эътироф этишди.

Энг кўп тарқалган фикрлардан бири — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев янги Конституцияни мамлакат ривожига ва демократлашувида муҳим кадам сифатида тақдим этгани ҳақидаги фикр. Экспертлар ушбу та-

Конституция оммавий ахборот воситаларига, фуқаролик жамиятига ва сиёсий ҳаётнинг бошқа томонларига кўпроқ эркинлик беради. Уларнинг фикрича, бу Ўзбекистонда сўз ва фикр эркинлигини янада ривожлантириш имконини беради. Президент томонидан оммавий ахборот воситалари — халқнинг овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат органларига етказувчи тасирчан куч, дея эътироф этилиши республика раҳбариятида ОАВнинг жамият, мамлакат ҳаётидаги ўрни янада мустақамлаш бўйича жиддий ниятлари борлигини тасдиқлайди.

Хорижий экспертлар референдум ва Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясини кўллаб-қувватлашда ва уни янада демократик ва эркин мамлакат сари қўйилган кадам, дея эътироф этишмоқда. Улар буни янгиланишларнинг муҳим босқичи учун ҳуқуқий базани тайёрлашдир, деб аташмоқда. Шунингдек, минтақада сиёсий ва иқтисодий барқарорлини ҳамда тараққиётни таъминлашга қаратилган янада кўламдор ис-



шаббусни кўллаб-қувватлашда ҳамда конституциялар замонавий жамиятнинг талабларига жавоб бериши, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кераклигини таъкидлади. Шунга мувофиқ, референдум ҳам янада кенг қўламли ва долзарб ислохотлар сари биринчи кадам бўлишига ишонч билдиришди.

Россиялик сиёсатшунос ва Марказий Осие бўйича эксперт Андрей Казанцев ҳам Ўзбекистоннинг янги Конституциясини кўллаб-қувватлади, ўзгаришлар янада очикроқ ва рақобатбардош иқтисодий тараққиётга олиб келишини айтди. Унинг таъкидлашича, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар демократик институтларни мустақамлашди, сўз ва фикр билдиришдаги эркинликни оширади.

Бу тезисни турли мамлакатлардаги журналистлардан ҳам эшитиш мумкин. Ҳамкасбаримиз айтишганидек, янги

лохотларнинг муҳим қисми сифатида баҳолашмоқда.

Сен-Жермен Сиёсий Фанлар олий мактаби тадқиқотчиси Энзо Падован фикрича, мамлакатнинг асосий ҳужжати бўлиши Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича ўтказилган референдум ўзбек жамиятининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида асосий воқеа бўлди.


Аминманки, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистоннинг келажаги учун мустақам пойдевор бўлиб қувват қилади, — деди француз эксперти. — Янги Конституциядаги қондаларни рўёбга чиқариш бўйича давлат раҳбари томонидан бошланган иш жамият ривожига муҳим ўрин тутди. Айниқса, ҳар бир инсоннинг ролини мустақамлашни алоҳида таъкидлаш керак, бу айнан фуқаро, унинг манфаатлари ва ҳуқуқлари амалга оширилаётган ислохотларнинг ядро-си эканлигини далолатлар. Ўзбекистон тўғри йўлдан кетмоқда, шу йўл мамлакатнинг жадал ривожланишига хизмат қилади, унинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги роли ва имжини мустақамлайди.

Асосий қадриятлар

Янгиланган Асосий Қонуннинг шундай бир эътиборга молик томони борки, ҳужжатдан давлат ҳавфсизлиги асосларини мустақамловчи қондалар ўрин олган ва улар замонавий вазиятни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштирилган. Сайёрамизнинг турли бурчакларида ўз бераётган қарама-қаршилиқлар ўз сценарийларига кўра турличадир. Аммо деярли ҳаммасининг ўзаги ва сабаблари бир хил — миллатлараро ва конфессиялараро келишмовчилик, у эса агрессияни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Президенти референдум якунлари ҳақида сўзлар экан, шундай иборани келтирди: “Халқимизда “Бирдамлик бор жойда илдамлик бор”, деган доно нақл бежиз айтилмаган”. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик бўлган юртда албатта кут-барака, тараққиёт бўлади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, бизнинг энг катта бойлигимиз — Ўзбекис-



тонни ўзи учун ягона Ватан деб биландиган кўп миллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни — ана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Чиндан ҳам, фақатгина турли миллат, маданият ва дин вакиллари бир-бирини ҳурмат қилган ҳолда яшасагина, ривожланиш ва гуллаб-яшнашга қодир бўлган жамиятни тузиш мумкин. Миллий келишмовчилик зўравонлик ва бузғунчиликка олиб келади. Миллатлараро тотувлик эса — мамлакатда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг ягона калитидир.

Бундай мувофиқлик иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилади. Турли миллат вакиллари ҳамжихатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб яшайдиган мамлакатлар ўз салоҳияти ва ресурсларидан ҳам яхшироқ фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, халқни янада жипслаштиради. Машҳур сиёсатчи Нельсон Мандела айтганидек: “Дунёни ўзгартириш учун иқтисодий тараққиётдан бошқа қулиқроқ восита йўқ. Ана шу ягона восита барча одамларнинг ҳаётини яхшилаш олади”.

Ўзбекистон глобал миқёсда ана шундай аҳиллик ва тинчликпарвар сиёсатни намойиш этиб келмоқда. Бизнинг ташқи сиёсатимиздаги шу устувор жиҳатларга мустақил ҳинд журналисти Смит Шарма эътибор қаратади. У мамлакатимиздаги референдум жараёнини ёритишда иштирок этган эди. Журналист таъкидлашича, янги Конституциянинг асосий элементларидан бири дунё ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган тинчликпарварлик сиёсатиридир.

— Янги Конституцияда келтирилишича, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, чегараларнинг бузилмаслиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципларига асосланади, — дейди муаллиф.

Бунда хорижий компания ва бизнес вакиллари билан ўзаро муносабатларга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Ўзбекистоннинг очик иқтисодиёти хорижий сармоядорларни жалб қила бошлади ва улар янгиланган ҳуқуқий базага мувофиқ қўшимча кафолатларга эга бўлишди.

— Сармоядорларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга молик, — дейди БМТнинг Париждаги университетлараро кўмитаси раиси Эрик Гишон. — Улар давлатнинг Асосий Қонунини ўз аксини толгани эса, мактоғва сазоворидир. Бу жуда муҳим. Негаки, бугунги ноаниқ дунёда ҳар бир сармоядор ўзининг манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва ўз лойиҳаларини ҳавфсиз мамлакатда рўёбга чиқара олишига ишонини лозим.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти ўзининг фундаментал нутқларида бир неча бор сармоядорлар ҳуқуқи ҳимоя қилиниши ҳақида айтиб ўтган. Бу эса хорижий сармоядорлар учун янада кўпроқ истикболли имкониятлар беради.

Айтиш жоизки, янги Ўзбекистонни куриш бўйича амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотлар марказида айнан халқ турибди. Бир мартовлик компания эмас, балки мунтазам жараён бўлган кенг қўламли янгиланишлар ҳаммиша халқ билан муҳокама қилинади, келишилади. Чунки ўтказилаётган ислохотлар унинг эҳтиёжларига мос бўлиши керак. Зеро, йўлга қўйилган очиклик, фуқаролар билан мулоқот тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратди. Бу нафақат халқнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, балки фуқароларнинг ҳокимиятга ишонгани ишончини шакллантиради, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширади.

Президент Шавкат Мирзиёев жуда ўринли ибора қўлади: “Бундан буён ҳам жамият ва давлат ҳаёти, бугунги ва келгуси тараққиётига оид ҳар бир масала бўйича фақат ва фақат сизлар, дошиманд, бағрикенг халқимиз билан бамаънафат иш олиб борамиз”. Шубҳасиз, Янги Ўзбекистонни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, биргаликда курашимиз.

Доимий ислохотлар — доимий натижа

Ўзбекистондаги муҳим сиёсий тадбирнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини фаол ва муносиб билдиришди. Давлат раҳбари ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратади.

Узимизга савол берайлик, деди Президент, нима учун аҳолимиз референдумда бунчалик фаол бўлди? Нимага улар ислохотларимизни кўллаб-қувватламоқда? Чунки Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизнинг қишлоқ ҳамда овулларидан тортиб, пойтахтимиз маҳалла ва кўчаларидаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини ўз кўзлари билан кўряптилар.

Оддийгина айтганда, мамлакатда ўтказилган референдум халқнинг умумий мақсадлар атрофида қанчалар бирлаша олиши мумкинлигини кўрсатди. Халқнинг яқдиллиги шу мақсадларга эришишда халқ қилувчи омилдир.

“Куч — бирликда” деган эди буюк Соҳибқирон. Шу эътиқодига риоя қилиб, Амир Темур улкан империя тузди, халқлар ва элатларни бирлаштирди. АҚШ Президенти Франклин Рузвельт ҳам мубайян бир даврда халқни “New Deal” гоёси, яъни ишсизлик ва камбағалликка қарши кураш дастури атрофида бирлаштира олди. Натижада мамлакат инқироз ботқонидан чиқиб, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришди. Хозирги даврда эса халқни жипслаштира олиш намунасини Хитой мисолида кўриш мумкин. Фуқароларнинг бирдамлиги туфайли иқтисодий соҳада улкан ютуқларга эришилди, Хитой дунёда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Халқимиз Президентининг янги Ўзбекистонни куриш гоёсини тўла кўллаб-қувватлайди. Бу гоёнинг муваффақиятли амалга олиши учун ислохотлар “нон-стоп” режимида олиб борилиши керак. Танилиқ австриялик иқтисодчи Йозеф Шумпетер “фақат доимий ислохотларгина доимий натижаларни беради”, деб ҳисоблаган.

Ислохотларнинг муваффақиятли рўёби учун бошқа бир муҳим асос — халқнинг раҳбариятга бўлган ишончи, деб ҳисоблайди Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг Яқин Шарқ тадқиқотлари маркази раҳбари Урина Звягельская. — Мана гап қарда, ўзига ишонган давлатдан янгиланиш жараёнларини халқ эътиришига мандат олиш учун Президент ўз ваколатларининг бир неча йилдан воз кечиб, муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш гоёси билан чиқди, деб шарҳлайди эксперт Ўзбекистон раҳбарининг қарорини.

— Бу ташаббус Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўз халқига ҳурмати ва садоқатидан далолат беради, — деди шу муносабат билан Мокков университети проректори, Корея Республикаси Давлат қонунчилиги вазириги қошидаги Корея қонунчилиқ илмий-тадқиқот институтининг собиқ раҳбари Ри Ик Хён.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўтқир РАҲМАТ.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 541. 17 824 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6